



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1998 йил, 7 август 31 (311) ● Сотувда нархи эркин



Дина Муратова 1997 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини тугатиб, Тошкентдаги Мирзо Улуғбек телефон алоқаси тармоғига ишга келди. Корхона раҳбарияти

ёш мутахассисга ишонч билдириб, 1-62 АТСга муҳандис этиб тайинлади. Дина қисқа вақт ичидан ўз ишини пухта ўзлаштириб олди.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## САМАРАДОРЛИК – БОШ МЕЗОН

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида телекоммуникация ҳамда почта соҳасида халқаро ҳамкорликка бағишланган анжуман-кенгаш бўлиб ўтди. Хиссадорлик компаниялари, корхона ҳамда ташкилотлар раҳбар ва мутахассислари бу борада қилинган ўнлаб маърузаларни муҳокама қилишди.

Алоқа соҳаси корхоналарининг халқаро ҳамкорлик бўйича иш самарадорлиги тўғрисида агентлик Бош директорининг биринчи ўринбосари В. Штейнберг

сўз юритди. У ўзаро ҳамкорлик натижасида эришилаётган ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳақида ҳам гапирди. Анжуман иштирокчиларининг эътибори келгусида хорижлик ҳамкасб ва ишбилармонлар билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш истиқболлари, тузиладиган шартномаларнинг шакл ҳамда механизмларини такомиллаштириш ва бунда албатта юқори самарадорликка эришиш бош мезон бўлиши зарурлигига қаратилди. Анжуманда алоқа соҳаси

раҳбар ва мутахассислари — Х. Каримов, М. Холмуротова, Ш. Юнусов, Э. Аллаев, Ю. Саъдуллаев, Қ. Тўлебоев ва бошқалар халқаро ҳамкорлик борасидаги ўзларининг таклифларини билдиришди. Бу таклифлар анжуманда қабул қилинган ҳужжатларда ўз аксини топди.

Анжуман муҳокама қилинган масалаларнинг гоёта долзарблиги ҳамда кўпданкўп маълумотларга бойлиги ва очик-ошқора мулоқотлари билан фойдали бўлди. Фақатгина... тингловчилар сони янада кўп бўлганда нур устига аъло нур бўлур эди.

К. АЛИЕВ

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

«Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамиятининг «Пахтаобод» филиали директори Фанижон ҳожи Хурбоев жамоатчи мухбиримизга корхонада амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди:

— Туманимизда 130 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади. Бундан ташқари, 120 дан зиёд ташкилот, корхона ва муассасалар бор. Туманимиздаги кичик корхоналар, савдо шохобчалари, хусусий ва деҳқон-фермер хўжалиқларига савдо шохобчалари, хусусий ва деҳқон-фермер хўжалиқларига почта хизмати кўрсатиш бизнинг зиммамизда. Ходимларимиз хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаб, ишни аҳоли талаб-истаклари даражасида ташкил қилаётирлар.

Почтачиларимиз туманимизнинг 14 129 нафақачисига 24645 минг сўм нафақа пулини, 2181 нафар оналарга 2800 минг сўм нафақа пуллариини ҳар ойда етказиб бериб, 15 минг нусхадаги газета ва журналларни аҳолига тарқатишмоқда.

Бозор иқтисодиёти ҳаёти-мизга тобора сингиб бораётир. «Андижон почтаси» ЖНнинг тижорат бўлими бизга мададкор бўляпти. Улар почта бўлимларини халқ истеъмоли моллари билан таъминламоқда. Почта бўлимлари асосий иш фаолияти билан бир қаторда тижорат билан ҳам шуғулланмоқда.

Аҳолидан электр қуввати, газ, маҳаллий ва шаҳарлараро телефондан фойдаланганлик учун хизмат ҳақи, суғурта бадалларини йиғиб олиш ва ҳар хил лотереяларни сотишдан ҳам даромад олялмиз. Бу бир томондан аҳолига қулайлик туғдирса, иккинчи томондан почтага қўшимча даромад келтираётир. Бундай қўшимча хизмат турларининг жорий этилиши ўз навбатида хабарчиларимиз масъулиятини, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатини оширмоқда.

Аҳоли талабини қондириш алоқа ходимлари қундалик фаолиятининг асосини ташкил

қилади. Раҳбарият ўз навбатида ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш, махсус иш кийимлари, транспорт ва почта жиҳозлари билан таъминлашга ҳаракат қилиб келаётир. Натижада иш унуми ва почта хизмати мавқеи ошмоқда.

Қирғизқўрғон, Пахтаобод-2, Пахтаобод-3, Уйғур, Иттифок алоқа бўлимлари бошлиқлари А.Хусанов, А.Ким, Р.Парпиев, А.Хурбоев, М. Шодмоновларнинг ташаббус кўрсатиб ишлаётганликлари тўғрисида ҳар ойда бу алоқа бўлимларида режа бажарилмоқда. Бундан ташқари катта ҳазиначи А.Даминов, оператор Л.Одилбоева, нафақа бўлими бошлиғи О.Отахоновларнинг самарали меҳнатлари тўғрисида шу кунгача ҳеч қандай йўқотиш ва ўғирликлар содир этилгани йўқ. Ходимларимизга 870 дона акция тўлиқ сотилиб бўлинди. Навбатдаги акцияларни сотиб олиш чоратадбирлари кўрилмоқда. Юқоридаги ишларни амалга ошириш жараёнида бир қатор муаммоларга ҳам дуч келялмиш.

Туман почта филиали ҳисобидан «Дамас», «Москвич» русумли енгил машина бор. Шу машиналарга «Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамияти томонидан бир йилга бор-йўғи 600 литр бензин ажратилади. Бензин адолатсиз тақсимланган деб ҳисоблайман. Буни юқоридаги раҳбарлар билиб туришса-да, негадир амалий ёрдам беришмаётир. Биз туман ҳокимлигидан бензин муаммосини хал қилишда ёрдам сўрайвериб қардик. Балки бу борада бизга «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси ёрдам берадир?..

Қўлдош ҲОЖИМАТОВ  
ёзиб олди,  
Андижон вилояти

## «КОСКОМ» БУХОРОДА

Бухороликлар дунёнинг 55 мамлақати билан автоматик роуминг орқали боғланиш имкониятига эга бўлишди. Бу ерда «Коском» Ўзбекистон-Америка уяли алоқа қўшма корхонаси иш бошлади. «Коском» қисқа

фурсатда Ўзбекистонда намунали хизмати билан шухрат топди. Айни пайтда унинг миқозлари кун сайин кўпаймоқда. Симсиз алоқа бухороликларга маъқул тушди.

(ЎЗА)

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси грантлари со-вриндорларига табрикнома йўллади.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Конун лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчилик фикридан фойдаланиш» мавзусига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

• Мамакатимиз Мустақиллигининг етти йиллиги байрами кунларида

Тошкентда кураш бўйича Ўзбекистон Президентининг Кубоғи учун биринчи халқаро мусобақа ўтказиладиган бўлди. Олимпия шон-шухрати музейида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.

• Туркманистонда Туркманистоннинг биринчи Президенти Сапармурод Ниёзовга бағишланган ҳужжатли фильмини суратга олиш ишлари ниҳоясига етказилди.

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши грузин-абхаз муаммосини муҳокама қилиб, томонларни Грузиянинг худуди яхлитлигини хурмат қилган ҳолда музокара-

лар ўтказишга чақирди.

• Туркия парламенти келгуси йилнинг 18 апрелида олий қонун чиқарувчи ва ҳокимиятнинг маҳаллий органларига мuddатидан илгари сайлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Япониялик эгизаклар Ким Сан ва Жин Санлар 106 ёшга тўлишди. Шу муносабат билан ўтказилган байрамда уларнинг хузурига оиланинг 140 аъзоси, кўплаб дўстлари келишди. Улар дунёдаги энг кекса эгизаклар ҳисобланишди.

• Хитойнинг Юннан вилоятидаги Мейл тоғидан 17 нафар спортчининг жасди топилди. Бундан етти йил муқаддам хитой ва япон спортчилари биргаликда Мейл тоғига тадқиқот сафарига чикиб, бедарак йўқолган эдилар.

## ЯНГИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАРИ

Қорақалпоғистонда алоқа воситаларини такомиллаштириш, соҳа хизматини яхшилашга жиддий эътибор берилаётир. Яқинда Бўстон шаҳрида икки ярим минг рақамли автомат телефон станциясини монтаж қилиш тугалланди. Нукус, Беруний ва Тўртқўл шаҳарларида эса

20 минг рақамли шундай станцияларни ўрнатиш ниҳоясига етказилмоқда. Японияда тайёрланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган бу станциялар телефон алоқасини тубдан яхшилаш имконини беради.

А. ИСКАНДАРОВ

Шаҳарларро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари Бухоро ва Навоий вилоятларида янги қурилаётган рақамли кабель магистраллини бир ҳафта мобайнида кўздан кечириб чиқишди. Ниҳоят, бир ҳафталик иш ҳам тугади. Мана энди дам олиш кунга бемалол қадрдон оила даврасида хордик чиқариб, уй-рўзгор юмушлари билан шуғулланиш мумкин. Афсуски, бундай бўлиб чиқмади.

Ярим тунда навбатчи телефончи — Тўйтепа атрофида кабель магистралли ишдан чиққанлигини маълум қилди. Бу магистрал ёрдамида пойтахт вилояти туманлари орқали кўшни республика ва Фарғона водийсига чиқилади.

Ишқални бартараф этиш учун бу ерга алоқачилар бригадаси, мутахассислар етиб келишди. Ниҳоят, бу жойда бирлашма раҳбарияти ҳам ҳозир бўлди.

Мана, фалокат рўй берган жой. Унча чуқур бўлмаган кудуқча, кеча ёқилган гулкан қолдиқлари. Кимдир автомашина баллонини ёққан. Натижада ер юзига яқин жойдан ўтган кабель магистрал муфтаси эриб кетган, кабель қобиги ва симлари изоляциясига шикаст етган, алоқа узилган. Бу айни давлат аҳамиятига молик тадбирлар ўтказилиши арафасида рўй берди. Вақт зик, Алоқачилар зудлик билан ишга киришдилар. Тонгга қадар алоқа тикланди.

Ўтган йили 926 километрлик Хитойнинг Шанхай ва Германиянинг Франкфурт на-Майне шаҳарларини боғлаб турувчи Транс-Осиё-Европа шиша толали кабель магистралли қуриб битказилди. Ҳозирда ўз ичига минглаб рақамли алоқа каналларини олган ушбу халқаро супермагистрал ишлаб турибди. Кабель ўтган жойларга оғохлантирувчи белгилар қўйиб чиқилган. Алоқа корхоналари ер ишларини олиб борувчи барча ташкилот, муассаса, хўжаликларни кабель ўтган жойларда иш қондаларига амал қилишларини қайта-қайта

оғохлантиришди. Аммо бунга барча баробар амал қилмайдди.

Натижада давлатлараро аҳамията эга бўлган ТОЕ кабель магистралли каби алоқа йўналишларида алоқа тўхтаб қолади. Халқаро алоқаларнинг тўхтаб қолиши мамлакатларнинг валюта ҳисобида зарар қўришига олиб келади. Алоқа корхоналари эса тўхтаб қолган алоқа учун катта миқдорда жарима тўлашларига тўғри келади. Қонунда алоқа кабелларини шикастлагани, узгани учун жавобгарлик қўрада тўтилган. Аммо шунга қарамай бу каби ҳолатлар содир бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойида республикамизда қариб 10 мартаба алоқа кабелларида узилиш, шикастланишлар рўй бер-

рўй берди. Биргина «Ўзнефгазқурилиш» ҲЖнинг ишчилари шу йилнинг апрель ойида кабелни узиб юборишгани оқибатида давлатга 565026 сўмлик зарар келтиришди. Ушбу ташкилот томонидан бир неча бор ана шундай ҳолатлар содир этилган. Шаҳарларро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси, бу ташкилотта 1,5 миллион сўмлик жарима тўлашларини билдирди. Бироқ, айбдор ташкилот жариманинг ҳозиргача ҳатто учдан бирини ҳам тўлагани йўқ.

Шаҳарларро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари содир этилган узилишларни тезроқ бартараф этиб, айбдорларни топишмоқда. Бироқ уларнинг жарималарни ундиришга кучлари етмапти.

Натижада алоқачилар бошқа ташкилотларга кўп маротаба мурожаат қилишларига тўғри келмоқда.

Эндиликда жорий йилнинг март ойида ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қучга кирди. Бу қондалар бирлашма ходимлари учун айни мuddао бўлди. Шаҳарларро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бу борадаги ишларни ҳокимликлар билан ҳамкорликда қучайтириб боришлари, ер ишлари билан шуғулланадиганлар олдига қатъий талаблар қўйишлари зарурдир. Ҳўққни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам алоқачиларнинг эътирозларига жиддий эътибор беришлари керак. Чунки алоқа кабелларининг узилишлари нафақат мамлакат иктисодиётига, балки одамлар аҳвол рўҳисига ҳам каттик таъсир қўриши, зарар келтиради. Зеро, узлуксиз алоқани сақлашдан кўра, уни қайта тиклаш қимматга тушиши мумкин.

**А. КУДИНОВ,  
А. АБДУРАҲМОНОВ**

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИНИЯЛАРИ ВА ИНШОТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНДАЛАРИ

**Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилишнинг мазкур қондалари (бундан кейин Қондалар) Ўзбекистон Республикасида алоқа, радиолаштириш ва сигнализация линияларини қўриқлаш зонасида жойлаштириш, сақланишини таъминлаш ва ишлатиш тартибини белгилайди.**

**Қондалар мансублиги ва мулкчилик шаклидан қатъий назар барча линияларга тегишлидир.**

**Қондалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча корхона, ташкилот, идора ва алоҳида шахслар (бундан кейин юридик ва жисмоний шахслар) томонидан бажарилиши мажбурийдир.**

1. Телекоммуникация линиялари иншоотларини жойлаштириш 1. Алоқа, радиолаштириш ва сигнализация линиялари (бундан кейин алоқа коммуникациялари): сим ёғочли алоқа линиялари, уларга осилган алоқа симлари ва кабеллари, бино томлари орқали ўтувчи алоқа ва радиолаштириш линиялари, ер ости кабель линиялари, уларни кўрсатувчи ва ўлов белгилари (устунчалари), радиореле алоқа линиялари, кабель телефон каналзацияси, ер усти ва ер ости хизмат кўрсатилмайдиган қучайтириш (регенерация) пунктлари, тақсимловчи шкафлар, қутлилар, ерга улаш контурлари ва бошқалар кирди.

Алоқа коммуникациялари: шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси, радиолаштириш ва сигнализация, шаҳарларро, халқаро алоқа, радиореле алоқаси, ҳар хил турдаги технологик алоқа линияларига бўлинади.

2. Ўзбекистон Республикасида алоқа коммуникацияларини қуриш ва қайта жиҳозлаш, махсус рўхсатнома (лицензия)га эга бўлган иктисослаштирилган лойиҳа институтлари ёки лойиҳа гуруҳлари томонидан амалдаги қурилиш меъёрлари ва қондаларига мувофиқ ишлаб чиқиладиган лойиҳалар бўйича, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ барча манфаатдор ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

3. Алоқа иншоотларини қуриш учун белгиланган тартибда рўхсатнома олган юридик ва жисмоний шахсларга барча ер участкаларида, жумладан, саноят, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, сув хўжалиги тасарруфидаги участкалар, шахсий ҳовлилар, ажратилган ер бўлақлари ва таққиланган зоналарда ҳамда биноларнинг томлари устида, темир йўл ва автомобиль кўприклариди, коллекторларда, метрополитен ва темир йўл туннелларида мазкур ер участкалари, бинолар, кўприклар ва бошқалар кининг мулк, эгалик қилиши, фойдаланишида бўлишидан қатъий назар бу ерлар ва иншоотлар эгалари ёки фойдаланувчиларнинг техник шартларига кўра алоқа коммуникацияларини қуриш ва уларни ишлатишни таъминловчи мосламаларни (кудуклар, люклар, нарвонлар, тўсиқлар ва бошқаларни) ўрнатиш ҳўқуқи берилади.

4. Алоқа коммуникацияларини қуриш учун ер участкалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ажратилади.

Алоқа коммуникацияларининг қурилиши учун иншоот ва кўп йиллик даракларни кўприб ташлашмасдан, қурилиш даври мобайнида олиб турилади.

Юридик ва жисмоний шахслар алоқа коммуникацияларини қуриш шартлари бўйича автомобиль йўллари, кўприклар, туннеллар, қўчалар, иморатлар, коллекторлар, таққиланган зоналар, ўрмонлар бўйлаб ер участкалари эгалари, ердан фойдаланувчилар ва қайд қилинган объектларнинг эгалари

билан келишилади, алоқа коммуникациялари ва автомобиль йўллари параллел жойлашган ва ажрим қилинган ерлар доираси чеккасида 50 мдан камроқ масофага яқин жойлашганда эса йўл ҳўжаликлари билан келишилади.

5. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларда алоқа коммуникацияларини қуришга рўхсат, қоида бўйича, фақат ҳосил йиғиштириб олингандан кейин берилади. Бунда ер ажратиш, уни рекултивация қилиш шартлари рўя қилиниши керак. Агар алоқа коммуникацияларининг қурилиши қишлоқ хўжалиги ахтиёрлари учун ишлатилаётган ерлардан фойдаланишининг вегетация даврига мўлжалланган бўлса, бу ерлар экинлар билан банд қилинмаслиги керак. Бундай ҳолларда ерлардан ноилжол фойдаланмаслик билан боғлиқ бўлган зиён қопланиши керак.

Ерни экин билан банд қилмаслик ҳақидаги масала қурилиш бурюрмачи билан ер эгаси (ердан фойдаланувчи, шу жумладан, ижарачи)нинг биргаликда тузган шартномаси асосида хал қилиниши керак. Шартнома экин экиш ишлари бошланишидан камида 6 ой олдин тузилади.

6. Амалдаги алоқа коммуникацияларини қўриқлаш зонасидаги ер майдонини ер участкаларининг эгаларидан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан, шунингдек, ижарачилардан олиб қўйиш мумкин эмас ва мазкур коммуникацияларнинг сақланишини таъминлаш шартли билан улар ердан фойдаланишлари мумкин.

Алоқа коммуникацияларининг эгалари ер участкалари эгалари, ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларни, шу жумладан, ижарачиларни алоқа коммуникацияларининг мавжудлиги ва уларнинг сақланишини таъминлаш чоралари ҳақида ёзма равишда оғохлантирадилар.

7. Ер усти ва ер ости қучайтириш (регенерация) пунктларини қуриш учун лойиҳада технология меъёрлар асосида қўрсатилган миқдорда доимий фойдаланиш учун ер участкаси ажратилади.

8. Алоҳида ҳолларда махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларда (қўриқхоналар, миллий боғлар) алоқа коммуникацияларини қуриш ишлари табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижозати билан олиб борилади.

9. Алоқа коммуникацияларининг трассаларида қўриқлаш зоналарининг белгиланиши муносабати билан ер унинг мўлкдорлари, эгалари ёки фойдаланувчилари ихтиёридан олиб қўйилганда ёки уларнинг ҳўқуқлари чекланганда, уларга жисмоний ёки юридик шахслар — коммуникация эгалари томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Қоракўлпоғистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда бадал (товон пули) тўланади.

**II. Алоқа коммуникацияларини қўриқлаш**

10. Алоқа коммуникацияларининг сақланишини таъминлаш учун:

а) қўриқлаш зоналари белгиланади;

б) кабелли ва ҳаводан ўтган коммуникациялар учун — шу коммуникациялар бўйлаб ер ости кабелли трассасининг ёки ҳаво линияларининг энг четидидаги симларнинг ҳар тарафидан 2 м. масофада параллел тўғри чизиклар оралиғидаги ер участкаси қўриқлиши;

дарё, кўл, канал, сув омборларидан ўтиш жойларда — сув юзасидан унинг тубигача бўлган чуқурликда ҳар тарафдан 100 метрлик, денгиздаги кабел линияларининг (Давоми 3-4-бетларда.)

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ — КАБЕЛЬ!

Бундай ҳолатлар Қоракўлпоғистон Республикасида уч марта содир этилгани қайд этилди.

Шу йилнинг апрель ойида мазкур республиканинг Нукус туманида тракторчи К. Оқўлатов алоқа кабелига зарар етказган. Бу зарар 165950 сўмни ташкил этди. Худди шу ойда номаълум кишилар иккита кабелдан 10 метрдан кесиб олишган. Июнь ойида эса шу тумандаги 14-қурилиш-монтаж бошқармаси тракторчиси ҳам иш жараёнида кабелни узиб юборган. Бу битта туманда содир бўлган нохушлиқдир. Бухорода юз берган воқеа ҳам ташвишланарлидир. Бу ерда шаҳар сув тармоқлари корхонаси раҳбари, бригадир ва экскаваторчи таъмирлаш-созлаш ишларини олиб боришга, кабелни узиб юборишган. Натижада уч соатдан ортиқ вақт мобайнида алоқа тўхтаб қолган. Бундан қўрилган зарар 26000 сўмни ташкил этди. Бу январь ойида содир бўлган эди. Аммо ҳали-ҳамон айбдорлар етказилган зарар учун жарима пулини тўлашмаган. Бундай ҳолатлар Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани ва Тошкент вилоятининг Чиноз туманида ҳам

ба мурожаат қилишларига тўғри келмоқда.

Эндиликда жорий йилнинг март ойида ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини қўриқлаш қондалари» қучга кирди. Бу қондалар бирлашма ходимлари учун айни мuddао бўлди. Шаҳарларро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бу борадаги ишларни ҳокимликлар билан ҳамкорликда қучайтириб боришлари, ер ишлари билан шуғулланадиганлар олдига қатъий талаблар қўйишлари зарурдир. Ҳўққни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам алоқачиларнинг эътирозларига жиддий эътибор беришлари керак. Чунки алоқа кабелларининг узилишлари нафақат мамлакат иктисодиётига, балки одамлар аҳвол рўҳисига ҳам каттик таъсир қўриши, зарар келтиради. Зеро, узлуксиз алоқани сақлашдан кўра, уни қайта тиклаш қимматга тушиши мумкин.

**А. КУДИНОВ,  
А. АБДУРАҲМОНОВ**

## ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

ди. Ҳозирги кунда Косонсой шахрининг Обод мавзесида 1000 рақамга мўлжалланган АТС биноси қурилиб, фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Келгуси йилда Ш. Рашидов номидаги жамоа хўжалигининг Баҳористон мавзесида 500 рақамли АТС биносини ишга тушириш режалаштирилмоқда. Филаалга қарашли 13 та қишлоқ АТС ларидан 11

таси шаҳарларро телефон алоқасига уланган бўлиб, миҳозлар телефон орқали дунёнинг хоҳлаган нуқтаси билан боғланиш имконига эга. Шунингдек, Ободон, Навоий номли жамоа хўжаликларидидаги телефон станциялари бирлаштирилди.

**З. ҚАЛАНДАРОВ,  
«Наманган телеком»  
ҲЖнинг Косонсой филиали  
директори**

### «АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«АЛОҚАБАНК» АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

1998 йил 4 сентябрь кuni соат 11. 00да Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг мажлислар залида ўтказилади.

#### КҮН ТАРТИБИ:


1. «Алоқабанк»нинг 1998 йил 1-ярим йиллик иш якунлари.
  2. «Алоқабанк» Низомига киритиладиган қўшимча ва ўзгаришлар ҳақида.
  3. «Алоқабанк»нинг проспекти эмиссиясини тасдиқлаш тўғрисида.
  4. Бошқа масалалар.
- Йиғилишни тайёрлаш ва ўтказишда Сиз фаол иштирок этиб, «Алоқабанк» фаолиятини келажақда янада юксалтириш ҳақида таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирасиз, деган умиддамиз.

**МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 133-62-54, 136-76-86, 136-10-21.**

**«АЛОҚАБАНК» КЕНГАШИ ва БОШҚАРУВИ**

### ТАВРИКААЙМИЗ

**«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» очик турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ташкилий бўлим бошлиғи Азлархон ТўРАЕВни табаррук 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклаб, унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.**



# АЛОҚАЧИ ҲАМРОҶИ

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИНИЯЛАРИ ВА ИНШОТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

ялари учун эса—0,25 миля масофасидаги сув майдони участкаси кўринишида;

алоқа коммуникацияларидаги ер усти ва ер остидаги хизмат кўрсатилмайдиган кучайтириш ва регенерация пунктлари учун — кучайтириш, регенерациялаш пунктларидаги эки уларнинг белгиланган четидан 3 м. масофада ўраб олинган ташаббуслар билан аниқланган ер участкаси кўринишида.

Шаҳар ташқарисидида ҳамда аҳоли яшайдиган жойлардаги ер ости коммуникация трассаларига мўлжал сифатида темир-бетон ўлчов устунлари ўрнатилди. Шунингдек, уйларининг деворлари, тўсиқлар электр таъминоти линияларининг устунларига маҳкамланган кўрсаткичлар ҳам мўлжал ҳисобланади. Шаҳарларда ер ости коммуникацияларининг ўтиши техник ҳужжатлар билан белгиланади.

Денгиздаги кабел трассалари ва алоқа кабеллари трассаларининг дард, кўл, сув омбори ва каналлардан ўтиш жойидаги кўриқлаш зоналарининг чегаралари кабелларнинг қичиқ жойида сигнал белгилари билан белгилаб қўйилди. Денгизда кабел коммуникацияларининг трассалари «Денгизда сузувчилар хабарномаси»да кўрсатилади ва денгиз хариталарига туширилади.

б) ўрмон массивлари ва дарактзорларда ҳаводан ўтган алоқа коммуникациялари учун:

балаңдиги 4 метрдан ошмайдиган дарактзорларда — кенглиги энг четки симлар орасидаги масофага 4 метр қўйилган ҳолда (энг четки симлардан дарактзорнинг шохларигача хар томонидан 2 метрдан);

балаңдиги 4 метрдан ошадиган дарактзорларда — кенглиги энг четки симлар орасидаги масофага 6 метр қўйилган (энг четки симлардан дарактзорнинг шохларигача хар бир томонидан 3 метрдан) оралиқда дарактлар кесилиб, йўл очилади.

Дарактлар қулашининг эҳтимоли бўлган дарактзорларда дарактлар кесилиб очилган йўлнинг кенглиги энг четки симлар орасидаги масофага хар бир томонидан дарактларнинг ўртача балаңдигига баробар масофа қўшиб ҳисобланган кенгликда бўлиши керак. Бунда дарактлар кесилиб солинган йўл четида ўсаётган айрим дарактлар эки дарактлар тўпи, агар уларнинг балаңдиги дарактзорларнинг ўртача балаңдигидан юқори бўлса, кесиб ташлашни керак. Дарактларни кесиб солинган йўлга ишлов берилишида чиқадиган яроқли ёғочлар йўл ўтган ҳудудга эгалик қиладиган ҳўжалиқнинг ихтиёрида қолади, яроқли ёғочлар эса ўрмон ҳўжалиги ҳудудидан олиб чиқилади ва йўқ қилиб ташланади.

Алоқа коммуникациялари истироҳат боғлари, боғлардан ўтайдиган ҳўларда тегишли ташкилот, корхона, идоралар билан келишувга кўра дарактларни кесиб очилган йўлнинг кенглиги камайтирилиши мумкин.

ўрмон массивлари ва кўкчалар билан бўйлаб ўтган дарактлар кесилиб очилган йўллар алоқа коммуникациялари эгаларининг кучи билан ёнгина ҳавфсиз ҳолатда сақланиши керак.

Истироҳат боғларида, боғларда,

шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойлар атрофидаги ўрмон экинзорларида, далани муҳофазаловчи дарактзорларда, автомобиль ва темир йўллар, дарёлар, каналлар, кўлларнинг атрофи ва бошқа сув ҳавзалари бўйлаб ўтган химоя ўрмонзор минтақаларида, қимматбахў ўрмонзор массивларида дарактларни кесиб йўл очишда уларнинг муҳофазаловчи хусусиятлари сақланиб қолиши ва дарактларга етказилаётган зиён иложи борича камроқ бўлиши керак. Хусусан, юмшоқ тупроқли ерларда, тик (15 градусдан ортик) қияликларда ва эрозия жараёнларида дўчор бўлган жойларда дарактларни кесиб йўл очилаётганда буталар ва ёш дарактлар кесилмаслиги, тўнкалар кўпорилмаслиги керак.

Дарактларни кесиб йўл очиш ишлари ўрмон ҳўжалиги ташкилотларининг шартларига биноан алоқа коммуникацияларининг эгалари томонидан амалга оширилади. Дарактзорларни кесиб қоидаларининг бузиллишига йўл қўйган алоқа коммуникациялари эгалари Ўзбекистон Республикаси қўнуларига белгиланган тартибда жавабгарликка тортилади.

в) алоқа коммуникациялари билан бошқа иншоотлар орасида тегишли иншоотларни бунёд этиш қоидалари билан аниқланган, йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кам масофалар белгиланади.

11. Радиореле алоқа линиялари трассаларида радиотўқинларнинг тарқалишига экран сифатида таъсир қилишининг олдини олиш мақсадида бино ва иншоотлар қуриши, шунингдек, дарактлар ўтқизиш тақиқланган айрим участкалар белгиланади. Мазкур участкаларнинг жойлашиши ва чегаралари радиореле линияларининг қурилиши лойиҳаларида кўзда тутилади ва лойиҳа ташкилотлари томонидан бу ҳақда тегишли вилоят, туман, шаҳарларнинг архитектура бошқарма (бўлим)ларига маълум қилинади.

12. Коммуникация трассаларида кўриқлаш зоналари ва дарактларни кесиб очилган йўлларда ушбу коммуникациялар эгаларининг ёзма розилигисиз қуйидаги ишларни амалга ошириш тақиқланади:

а) турли хил қурилиш, монтаж, ер қазииш ва портлатиш ишларини, кишлоқ ҳўжалиги майдонларида эса тупроқни қишлоқ ҳўжалиги эҳтиёжлари учун 0,3 метрлик чуқурликдан ортик юмшатиш ҳамда сугориб тармоқларини тозалаш;

б) уйлар, ҳўжалик ва иншоотларни қуриш, дарахт ва узум кўчатларини ўтқазииш, дала шийпоналарини жойлаштириш, мол сақлаш, материаллар, ўғит, ем-хашак тўплаб сақлаш, гўлханлар ёқиш, отиш машқларини ўтқазииш;

в) алоқа коммуникацияларини муҳофазалаш бўйича махсус чоралар кўришмасдан автотранспорт, трактор ва механизмлар юрадиган йўл ва тўхташ жойларини ташкил қилиш, ҳаводан ўтган алоқа коммуникациялари симлари остида катта ўлчамдаги юкларни олиб ўтиш;

г) тупроқ намунасини олиш, қудуқ ва шурфлар қазииш билан боғлиқ геология-хариталаш, геодезия, кидирув ва бошқа ишларни ишларини олиб бориш;

д) кема, баржа ва сузиб юривчи кранлар учун тўхташ жойлари ташкил қилиш, юк ташииш-ортиш, сув тўбини чуқурлаштириш ва ер ков-

лаш ишларини олиб бориш, лангарлар ташлаш, лангар, занжир, лотлар, судрама ва траллар ташланган ҳўлатда ўтиш, балиқ овлаш учун участкалар ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сув жониворларини тутишда ва ўсимликларни йиғишда сувтуби қуролларини ишлатиш, сув ичида жойлар ташкил қилиш, муз ёриш ва уни ғамлаб қўйиш.

Автомобиль ва темир йўллар бўйлаб ажрим қилинган ерлар доирасида алоқа коммуникацияларини кўриқлаш зоналаридан йўл ва темир йўл органлари ўз эҳтиёжлари учун алоқа коммуникацияларининг сақланишини сўзсиз таъминлаган ҳўлда фойдаланишлари мумкин.

Алоқа коммуникацияларининг сақланишини таъминлаш учун ушбу коммуникациялар трассаларида, кўриқлаш зоналари, дарактларни кесиб очилган йўлларда мазкур Қоидаларнинг V бўлимига мувофиқ иш олиб бориш шартлари белгиланади.

13. Алоқа коммуникацияларининг ишланиши бузиши мумкин бўлган барча турдаги ҳаракатлар тақиқланади. Хусусан:

а) алоқа коммуникациялар ётқузилган ва уларнинг сим ёғочлари, кабелъ қутилари ва тақсимловчи шақфлари ўрнатилган бино ва кўприкларни бузиш ва реконструкция қилиши, коллекторлар, метрополитен ва темир йўл тунелларини қайта қуриши шу иншоот ва усқуналар эгалари билан келишилган лойиҳаларга биноан алоқа коммуникацияларини кўчирмай туриб амалга ошириш;

б) ўлчов ва сигнал белгиларини қўйиб юбориш ва синдириш, катта оғирликдаги (5 тоннадан ортик) юкларни ташлаб юбориш, алоқа коммуникациялари трассаларига кистоло, туз, ишқорлар ва бошқа емирувчи суюқликларнинг оқизилиши;

в) кабел канализациялари, хизмат кўрсатилмайдиган кучайтириш (регенерация) пунктларининг люклар, копоқчаларни тупроқ, ахлат, қурилиш материаллари билан уюб ташлаш, бетон ёки асфальт-бетон билан қоплаб юбориш;

г) шу коммуникацияларга хизмат кўрсатишга алоқадор бўлмаган шахсларга хизмат кўрсатилмайдиган радиореле станция ва кучайтириш (регенерация) пунктлари (ер ости ва ер усти) кабел телефон канализациялари қудуқлари, тақсимловчи шақфлар ва кабел қутиларидаги эшик ва люкларини очиш, шунингдек, алоқа коммуникацияларига улашиб олиш;

д) дарёларнинг ўзани ва сув босган қирғоқларида кабелларнинг ўтиш жойидан оқим бўйлаб ва оқимга қарши йўналишда 2,5 м.дан кам бўлган масофада шағал ёки қум олиш учун карьерлар ташкил қилиш;

е) ер ости алоқа коммуникацияларини олдиндан кўчирмасдан ёки чуқурлаштирамасдан туриб тупроқни суриб текислаш;

ж) алоқа коммуникацияларини кўриқлаш зоналарида ер юмшатиқли тракторларнинг битта йўқдан қайта-қайта юргизиш ва ер юмшатиқли ҳўжақа туширилган ҳўлда тракторларни буриш;

з) алоқа коммуникацияларининг шикастланишига олиб келадиган ўзга ҳаракатлар қилиш (масалан, ҳаводан ўтган алоқа линияларининг устун ва арматураларига шикаст етказиш, симларни узиб ташлаш, уларнинг устига бегона нарсалар-

ни ташлаш);

и) ишларни амал қилиш мўддати ўтиб кетган рухсатномалар билан олиб бориш тақиқланади.

14. Шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойларда алоқа коммуникацияларининг сақланишини таъминлаш учун шу коммуникациялар қарашли бўлган жимсоний ва юридик шахслар ҳўкимиятнинг ер қазииш ишларини олиб боришга рухсат беришни бошқарадиган органларига трассаларни топширишлари керак.

15. Кабелъ лангар ёки балиқ тутидиган ашё билан тортиб олинган ҳўлда кема капитанлари (ҳарбий кема командирлари) лангар ёки ашёдан маҳрум бўлишларини эътиборга олмаб, кабелъга шикаст етказмасдан уни буштириш учун ҳамма чораларни қўллашлари керак. Кабелъ тортиб олинган ҳўқида кема капитанлари (ҳарбий кема командирлари) дарҳол энг яқиндаги портга радио орқали жой координатларини ҳамда кабелъ тортиб олинган вақтни кўрсатиб хабар беришлари керак. Тасодифан қўтариб олинган кабелъ ҳақида хабарни қабул қилиб олган порт бу ҳақда яқин орадаги алоқа корхонаси (ташкilotи)га хабар бериши керак.

16. Алоқа коммуникациялари ўтган ер участкаларига эгалик қилаётган, унинг мулкдори бўлган, ундан фойдаланаётган юридик ва жимсоний шахслар:

а) шу коммуникацияларнинг сақланишини таъминлашга кўмаклашувчи, ўзларига боғлиқ бўлган барча чораларни кўришга;

б) геологик харитага олиш, кидирув, геодезия ва бошқа ишларга, бино ва иншоотларни қуришга, бу ишларнинг бошланиши ва ишлар олиб бориладиган жой тўғрисида алоқа коммуникацияларининг эгалари билан келишмасдан олиб боришга йўл қўймаслик;

в) коммуникацияларни чуқурроқ жойлаштиришга алоқа коммуникацияларининг эгаларига ишчи кучи ва механизмлар билан, агар бу бирор-бир иш бажариш учун керак бўлса, ҳақини тўлаб ёрдам беришга мажбурдирлар.

17. Янги қурилиш шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларда қайта таъмирлаш ва янги бинолар қуриш, йўл ва кўприкларни қайта қуриш, қишлоқ ҳўжалиги майдонларини қайта суриб текислаш ишлари сабабли алоқа коммуникацияларини кўчириш ва қайта қуриш алоқа коммуникациялари ва иншоотларининг эгалари билан келишилган техник шартларга биноан, асосий қурилиши ёки ишларни амалга ошираётган иш олиб борувчилар, ердан фойдаланувчилар, ер эгаларининг капитал маблағлари ва моддий ресурслари ҳисобидан бажарилади. Мавжуд алоқа коммуникацияларини, ушбу коммуникация ва иншоотларнинг эгалари билан келишилмасдан жойини ўзгартириш тақиқланади.

Асосий қурилиши ёки ишларни олиб бораётган ташкилотлар ва шахслар алоқа коммуникацияларининг эгаларига коммуникацияларнинг жойини ўзгартириш ёки қайта қуриш пайтида бу коммуникациялар бўйича алоқаларнинг тўхтаб қолиши сабабли келтирилган зарарни қоплашга мажбурдирлар.

Лойиҳага биноан, алоқа коммуникацияларининг кўчирилиши

мўлжалланган жойларда бу коммуникациялар кўчирилиб ишга туширилгандан кейингина иш олиб борилиши мумкин.

18. Ҳўкимиятларнинг қурилиш учун ер ажратадиган комиссияларида шу участкаларни ажратиб бериш ҳақидаги масала ушбу участкалардан ўтган коммуникациялар эгаларининг ҳўлосларини ҳисобга олиб ҳал қилиниши керак.

19. Лойиҳаланаётган бино ва иншоотларнинг қурилиш майдонларидан алоқа коммуникациялари трассалари ўтган ҳўларда, бу иншоотлар қурилишининг лойиҳа ва сметаларида, ушбу коммуникацияларнинг эгалари билан келишилган ҳўлда коммуникацияларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган чоралар кўзда тутилиши керак.

20. Алоқа коммуникациялари трассаларидаги кўриқлаш зонаси ва дарактларни кесиб очилган йўллар яқинида коммуникацияларга шикаст етказилиши мумкин бўлган ишларни олиб борувчилар:

коммуникация эгалари билан бу ишларни олиб бориш тартиби ва мазкур коммуникацияларнинг сақланишини таъминлаш учун бажарилиши керак бўлган тадбирлар кўзда тутилган келишув тузишга;

иш бошланадиган вақт ва ишлар олиб бориладиган жой ҳамда уларни олиб борилиши кузатиш тартиби ҳақида алоқа коммуникациялари эгаларини хабардор қилишга мажбурдирлар.

21. Ер қазииш ишларини олиб борувчилар, бу ишларни олиб боришнинг техник ҳўжатларида белгиланмаган ер ости кабелларини топсала, дарҳол топилган кабелларнинг яқинида ишларни тўхташига, унинг сақланишини таъминловчи тадбирларни кўришга ва бу ҳўлда маҳаллий ҳўкимиятнинг архитектору бўлими (бошқарма)сига хабар беришга мажбурдирлар.

III. Муҳофаза қилиш зоналарида алоқа коммуникацияларида фойдаланиш.

22. Алоқа коммуникациялари эгаларининг техник ҳодимларига алоқа коммуникацияларнинг кўриқлаш зоналарида ва дарактлар кесилиб очилган йўллардан тўсқинликсиз ўтиш, авария-тиклаш ишлари олиб борилаётганда эса транспорт воситаларида тўсқинликсиз ўтиш ҳўкуқи берилади. Агар бу коммуникациялар тақиқланган зоналар ва махсус объектлар ҳудудларидан ўтган бўлса, у ҳўлда тегишли ташкилотлар алоқа коммуникациялари эгаларига қўйилган истаган пайтида кўриқдан ўтқазииш ва ишлар олиб бориш учун рухсатномалар беришлари керак.

23. Алоқа коммуникациялари эгаларига кўриқлаш зоналарида ва даракт кесилиб очилган йўлларда:

а) коммуникацияларга эксплуатацион хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган йўллар, кириш йўллар, кўприклар ва бошқа иншоотларни қуришга (Ер ажратишга ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига қўйиш ҳақида қўшимча келишув бўйича);

б) қайтадан тупроқ билан тўлдириш ва ерни рекултивация қилишининг сўзсиз шарти билан шу коммуникацияларни таъмирлаш учун чуқурлар, траншеялар ва хандакларни очиш;

в) дарактлар кесилиб очилган йўлнинг белгиланган кенглигини (Давоми 4-бетда.)

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ЛИНИЯЛАРИ ВА ИНШОТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ

(Давоми. Боши 2-3-бетларда.)

таъминлаш учун даракларни кесишга рухсат этилади.

24. Кишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерларда алоқа коммуникацияларига эксплуатацион хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини (авария-тиклаш ишларидан ташқари) амалга ошириш, одатда, бу ерлар кишлоқ ҳўжалик экинлари билан банд бўлмаган даврда ўтказишга рухсат этилади.

Аварияларни бартараф қилиш бўйича ишлар исталган даврда (экинлар борлигидан қатъий назар) амалга оширилади. Кўрсатилган ишлар амалга оширилгандан сўнг алоқа коммуникациялари эгалари кишлоқ ҳўжалиги учун мўлжалланган ерларни кишлоқ ҳўжалик ишларини бажариш учун яроқли холга келтиришлари, шунингдек, ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, шу жумладан, ижарачиларга авария-тиклаш ишларини олиб боришда келтирилган зарарни қоплашлари керак (агар алоқа коммуникацияларининг шикастланиши ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижарачиларнинг мазкур Қоидаларнинг талабларини бузиши натижасида бўлмаса).

25. Йўл қопламаларини олиб ташлаш ва тупроқни қавлашни талаб қилувчи алоқа коммуникацияларини таъмирлаш бўйича ишлар (авария-тиклаш ишларидан ташқари) уларни амалга ошириш шартларини тегишли йўл органлари билан, шаҳарлар ва бошқа аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудига эса ҳўкимликлар билан келишилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин. Кўрсатилган ишларни амалга ошириш шартлари тўғрисидаги хабар тегишли органлар томонидан ишларни амалга ошириш зарурлиги тўғрисидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 3 кун мuddат ичида алоқа коммуникациялари эгаларига йўлланishi керак. Иш олиб бориладиган жойларни тўғрисида маълумат ДАН органлари билан келишилади.

Авария-тиклаш ишлари, уларни бажариш шартлари олдидан келишилмасдан, амалга оширилади. Лекин ишлар бажариладиган жойга йўл органи ёки ҳўкимликнинг вакили албатта қақрилади. Бунда бу ишларни амалга оширувчи алоқа коммуникациялари эгалари, транспорт ва педальлар учун оғоҳлантирувчи зарур белгиларни ўрнатган ҳолда авария бўлган жойларни айланб ўтиш йўлларини ўтказишлари керак. Йўл қопламаларини қайта тиклаш ишлари йўл органлари томонидан шу қопламаларни бузган алоқа коммуникацияси эгалари ҳисобига амалга оширилади.

26. Алоқа коммуникацияларидан уларнинг катта йўл ва темир йўллар, қувурлар, кемалар қатнови йўлга қўйилган дарёлар, қўллар, сув омборлари, каналлар, саноят корхоналари ҳудудлари, метрополитен туннеллари билан кесилиб ўтиш жойларида фойдаланиш тартиби алоқа коммуникациялари эгалари томонидан транспорт, саноят ва бошқа тегишли ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва шахслар билан келишилиши керак.

27. Ҳўкимликлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар ва милий ҳавфсизлик органлари алоқа коммуникациялари эгаларига бу алоқа коммуникацияларининг шикастланишининг олдини олишда ва ҳамма корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг мазкур Қоидалар талабларининг бажарилишини таъминлашда ўзларининг вазифалари доирасида ёрдам берадилар.

IV. Алоқа коммуникациялари трассаларидаги муҳофаза қилиш зоналари ва даракларни кесиб очилгандан йўлларда ишларни олиб бориш шартлари.

28. Ҳўкимликлар саноят ва бошқа турдаги қурилиш учун ер майдонларини ажратаётганда, шунингдек, аҳолига кишлоқ ҳўжалик мақсадларида ер участкаларини бўлиб бераётганда мазкур ер участкаларини олган шахслар ёки ташкилотлар улардан фойдаланиши тегишли алоқа коммуникациялари эгалари

ри билан келишиб олишлари керак.

29. Алоқа коммуникациялари мавжуд бўлган ер участкаларидаги бинолар ва иншоотлар қуриш учун қурувчи томонидан лойиҳа берилиши керак.

Лойиҳасиз бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларни амалга ошириш учун алоқа коммуникация эгаларининг ёзма розилиги олинishi керак.

Бундай ишларга қуйидагилар қўйилади:

— ер ости кабел линиялари трассаларида — ўра қазиш, йўллардан вақтинча тушиш йўлларини қуриш, ўтиш йўлини ёпиш ва сув ўтказиш учун тупроқни қавлаш, далапарни суриб текислаш, қозиклар қоқиш, тўсиқ учун таянчлар ўрнатиш, тупроқ намуналарини олиш, турли мақсадларда ариқлар (траншеялар) қазиш ва бошқалар;

— ҳаво орқали ўтувчи алоқа линиялари трассаларида таянчлардан, тортиқлардан, тиргақлардан каммида 2 метр масофада 0,3 м. дан ортиқ чуқурликда ер қазиш ишларини бажариш; симлар ва осилган кабеллар остида ўлчамлари осилган симлар баландинига тенг ёки ундан ортиқ бўлган транспорт ва механизмларнинг вақтинча ўтишини ташкил этиш, агарйилиш пайтида симларни шикастлантириши мумкин бўлган даракларни кесиб ва бошқалар;

— биноларнинг томлари орқали ўтказиладиган устуни линияларда — устки ёпилмани, чордоқларни алмаштириш ва таъмирлаш бўйича устуларни, тортиқларни мустаҳкамлаш билан бевосита боғлиқ ишлар, симлар шикастланиши мумкин бўлган бошқа ишлар.

30. Лойиҳасиз амалга ошириладиган ишларни бажариш зонасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ер ости коммуникациялари аниқлаш учун иш бажарувчилар томонидан туман (шаҳар) архитекура бошқармаси бўлимида ахборот олинishi керак.

31. Алоқа коммуникацияларини муҳофаза зонасида олиб бориладиган ишларнинг бюртмачиси (қурувчи) иш бошлангандан каммида уч кун олдин коммуникациялар эгасининг вакилини техник ҳужжатлар бўйича ва ерни қавлаб ер ости коммуникацияларини (шу жумладан, ер ости қучайтирувчи пунктлари, қуриш қурилмалари бўлган кабель каналлаш, ерга уланishi контурлари ва бошқ.) жойини аниқлаш, уларнинг жойлашishi чуқурлигини ва қуриладиган иншоотлар билан ўзаро жойлашганлигини аниқлаш учун қақриши керак.

32. Ер ости алоқа коммуникацияларининг аниқ жойлашган жойини аниқлаш ишлар бажарилётган ҳудуднинг бутун узунлиги бўйича амалга оширилади ва бунинг учун шу коммуникациялар эгаси жавобгардир.

Қурилиш узок мuddат олиб бориладиган ер ости коммуникацияларининг аниқланган трассаси баландинги 1,5-2 м. ли нишон қозиклар билан белгиланиши керак. Нишон қозиклар трассанинг тўғри қисмларида ҳар 15-20 м. ораликда трассанинг тўғри чизиқли ўқидан 0,5 м. дан кўпроқ қия кетган ҳамма нуқталарда, трассанинг ҳамма бурчишларида, шунингдек, ишлар қўлда бажарилиши керак бўладиган тупроқ қазиш чегараларида ўрнатилади.

Нишон қозикларни ўрнатиш ва қудуқларни очиш ишлари қурувчининг кучи ва маблағлари ҳисобига алоқа коммуникациялари эгасининг вакили иштирокчи бажарилади.

Трассани қозиклар билан белгилаб чиқилмагунча ер ишларини бажаришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, қурилиш узок мuddат олиб бориладиган алоқа коммуникациялари эгалари томонидан зарур микдорда умумий оғоҳлантирувчи белгилар ўрнатилади.

33. Ер ости алоқа коммуникациялари трассасини аниқлаш ишларининг амалга оширилганлиги тўғрисида қурувчи (бюртмачи) вакили, иш бажарувчи ва ер ости коммуникациялари эгаси иштирокчида далолатнома тузилади. Далолатно-

мада қайси ва қанча микдорда қудуқ қазилиши, қозиклар ва белгилар ўрнатилиши, қуриқлаш зонасидаги ишларнинг қайси қосқичида алоқа коммуникациялари эгасининг вакили иштирок этиши кераклиги кўрсатилади.

Далолатномага имзо чекилгандан сўнг алоқа коммуникациялари ва ўрнатиладиган белгиларнинг бутлиги учун иш бажарувчи жавобгар бўлади.

34. Иш олиб борувчилар — усталар, бригада бошлиқлари ер қавловчи, қозик қоқувчи ва бошқа қурилиш механизмлари ҳамда машиналарнинг машинистлари алоқа коммуникацияларининг қуриқлаш зонасида иш бошлашдан олдин ер ости коммуникациялари трассаларининг жойлашishi, уларнинг жойдаги белгиланиши билан таништирилиши керак. Шунингдек, улар билан алоқа коммуникацияларининг сақланишини таъминловчи, ер қазиш ишларини қўлда ва механизмлар билан амалга ошириш тартиби ҳақида тушунтириш ишлари ўтказилиши керак. Бундан ташқари, улар алоқа коммуникацияларида одамларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган қучилиш борлигини ҳисобга олиб, электр токи уриши хавфи борлиги тўғрисида, шунингдек, айтиб ўтилган коммуникацияларга шикаст келтиришининг жавобгарлиги тўғрисида оғоҳлантиришлари керак.

Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналарида ишларни олиб бориш нарядларида ер ости ва ҳаводан ўтган алоқа иншоотларининг мавжудлиги тўғрисида, бу иншоотлар эгасининг вакилини қақриш тўғрисида кўрсатма бўлиши, зарур бўлган ҳолларда эса қўлда бажариладиган ишларни олиб боришининг тархи берилиши керак.

Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналаридаги ишлар ишчи боши ёки устанинг қузатуви остида бажарилиши керак.

35. Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналарида иш олиб борувчилар ишлар бошлангандан каммида бир кун олдин алоқа коммуникацияси эгаларига (ишларни бажаришда уларнинг вакили иштироки зарур бўлганда) иш олиб борилиш саана ва соатлари ҳақида телефонграмма берадилар ёки шахсан бориб хабар қиладилар.

Алоқа коммуникациялари эгалари ўз вакилларининг бу коммуникациялар сақланишини таъминловчи чоратадбирларга риоя қилиниши устидан техник назоратни амалга ошириш учун иш жойида ўз вақтида, белгиланган мuddатда ҳазир бўлишларини таъминлашга мажбурдирлар.

Бу вақтлар жойга келмай қолган ҳолларда иш олиб борувчилар бир кеча-кундуз мойбанди бу ҳақда алоқа коммуникациялари эгаларига хабар қилишлари керак.

Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналарида айтиб ўтилган вақтлар бўлмаганда, ер қазиш ишларини олиб бориш ман қилинади. Алоқа коммуникациялари эгалари вакилларининг келмаганлиги сабабли вужудга келган зарарни қоплаш масаласи қонунда белгиланган тартибда хал қилинади.

36. Алоқа коммуникациялари трассаларини қуриқлаш зоналарида ва даракларни кесиб очилган йўлда ишларни олиб боришга ёзма розилик бўлмаганда, мазкур Қоидаларнинг талаблари бузилганда алоқа коммуникациялари эгаларининг вакили ишларининг тўхталлишини талаб қилиши ва бу ҳақда тегишли баённома тузишга ҳақлидир.

37. Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналарида ёки дараклар кесиб очилган йўлда зарур таъмирлаш-тиклаш ишларини талаб қилувчи авария ҳолатларида бундай ишларни кўрсатилган коммуникациялар эгалари билан олдиндан келишмасдан амалга оширишга рухсат этилади, лекин бунда:

а) куннинг қайси пайтида бўлишидан қатъий назар, авария жойига ишчиларни жўнатиш билан бир вақтда алоқа коммуникациялари эгаларига уларнинг вакиллари келиши

зарурлиги тўғрисида телефонграмма орқали хабар қилиниши;

б) авария ишлари олиб бориладиган жойда шу ишлар учун масъул шахс доим бўлиши шартлиги, у мазкур бўлимнинг 7-бандига мувофиқ тушунтириш ишлари ўтказиши кераклиги;

в) авария содир бўлган жойга алоқа коммуникациялари эгаларининг вакиллари етиб келгунга қадар қуриқлаш зонасидаги ер қазиш ишлари қўлда бажарилиши кераклиги. Алоқа кабелни қўрииб қолганда, унинг сақланиши, таъминлиниши кераклиги;

г) алоқа коммуникациялари эгасининг вакили авария содир бўлган жойга келганда бу коммуникациялар жойлашган жойини, уларнинг сақланиши таъминлинишининг чоралари қўрилиши ва иш туғатгунча иштирок этиши кераклигини таъминлайдиган талаблар бажарилиши шарт.

38. Лойиҳада алоқа коммуникацияларини қўриш (иш олиб бориш) вақтида ёки доимий) қўзда тутилган жойларда ишларни бажариш фақат амалдаги алоқа коммуникациялари қайта улангандан кейингина бошланиши мумкин.

Амалдаги алоқа коммуникацияларини янги қурилганларга қайта улан ишлари шу коммуникациялар эгаси нарядлари бўйича ва коммуникацияларини қўриш ишлари туғатгандан сўнг, каммида беш кундан кейин қурилади.

39. Қурилиш механизмлари ва транспортнинг бевосита ер ости алоқа коммуникациялари трассаси бўйича ҳаракати учун вақтинча ўтиш йўлларини қуриш зарур бўлганда, уларнинг эгалари билан келишувча қўра, ишларни бажарувчи томонидан айтиб ўтилган коммуникацияларнинг ёғоч ёки бетон плиталарни ёқизиш, шағал тош, ва ш. к. ларни ташлаш йўли билан механик шикастланишлардан ҳимоя қилинади.

Ҳаво орқали ўтган алоқа коммуникациялари симлари остида ўлчам катта юклари олиб ўтишда симлар узиллишининг олдини олиш учун улар симлар ва юкнинг (механизмининг) энг баландини нуктаси ораллиги каммида 200 мм. бўлишини таъминловчи траверслар ёки янада баландини таянчлар ўрнатиш йўли билан вақтинча кўтарилади. Бундай ишлар алоқа коммуникациялари эгалари томонидан қурувчининг ёки ишларни бажарувчининг маблағлари, ишчи кучлари ва материаллари ҳисобидан бажарилади.

Юқорида айтиб ўтилган ишлар қурилиши ташкил этиш лойиҳасида қўзда тутилиши керак.

40. Алоқа коммуникацияларини қуриқлаш зоналарида ва даракларни кесиб очилган йўллардаги ишлар, айниқса, тупроқни қайта ишларда қияликларнинг тиклиги, траншеялар ва хандақларни мустаҳкамлашдаги ер қазиш ишлари амалдаги қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинган ҳолда бажарилиши керак.

41. Ер ости алоқа коммуникацияларининг бевосита яқинида тупроққа ишлов беришга фақат белкур ёрдаммида, кескин зарбаларсиз ишлаганга рухсат этилади; зарба берувчи асбоблар (лўм, чўкич, найзаги пона, пневматик асбоблар)дан фойдаланиш тақиқланади.

42. Ишлаб турган алоқа коммуникациялари билан кесилиш жойларида ер қазиш ишлари иложи борича қисқа мuddат ичида олиб борилиши керак.

43. Кабель алоқа коммуникациялари тегиб кетувчи траншея ва хандақларни қазишда иш олиб борувчилар уларни шикастланишлардан қуйидаги тартибда ҳимоя қиладилар:

а) бевосита тупроқда ёқизилган кабеллар қўлда тўлиқ қавлаб олиннади ва яхлит қутига (ёғоч ёки бошқа материалдан ясалган) солиннади ва у зарур бўлганда, траншеяга қўндалган ёқизилган тўсиқларга ёки гўлаларга маҳкам осялади. Қутининг учлари ариқ четидан

камида 0,5 м. чўкиб туриши керак. Қути симдан қилинган белбоғлар билан осялади;

